

**ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**РАШИДОВА НИЛУФАР САФОЕВНА**

**РЕПРОДУКТИВ ЁШДАГИ АЁЛЛАРДА ЭПИЛЕПСИЯНИНГ  
КЕЧИШИДА ИММУНОЛОГИК ВА ГОРМОНАЛ СИЛЖИШЛАРНИНГ  
ЎРНИ, ОЛИБ БОРИШ МЕНЕЖМЕНТИ ВА ДАВОЛАШ ТАКТИКАСИ**

**14.00.13 – Неврология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2020**

**Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**

**Contents of the abstract of doctoral (DSc) dissertation**

**Рашидова Нилуфар Сафоевна**

Репродуктив ёшдаги аёлларда эпилепсиянинг кечишида  
иммунологик ва гормонал силжишларнинг ўрни,  
олиб бориш менежменти ва даволаш тактикаси..... 3

**Рашидова Нилуфар Сафоевна**

Роль иммунных и гормональных сдвигов в течении  
эпилепсии у женщин репродуктивного возраста,  
менежмент ведения и тактика лечения..... 23

**Rashidova Nilufar Safoevna**

Role of immune and hormonal changes during epilepsy  
in women of reproductive age, maintenance management  
and treatment strategy..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 47

**ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**РАШИДОВА НИЛУФАР САФОЕВНА**

**РЕПРОДУКТИВ ЁШДАГИ АЁЛЛАРДА ЭПИЛЕПСИЯНИНГ  
КЕЧИШИДА ИММУНОЛОГИК ВА ГОРМОНАЛ СИЛЖИШЛАРНИНГ  
ЎРНИ, ОЛИБ БОРИШ МЕНЕЖМЕНТИ ВА ДАВОЛАШ ТАКТИКАСИ**

**14.00.13 – Неврология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2020**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.4.DSc/Tib233 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг ([www.tirme.uz](http://www.tirme.uz)) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) манзилларига жойлаштирилган.

<b>Илмий маслаҳатчи:</b>	<b>Рахимбаева Гулнора Саттаровна</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Маджидова Якутхон Набиевна</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор <b>Джурабекова Азиза Тахировна</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор <b>Магзумова Шахноза Шахзадэевна</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Академик И.П.Павлов номидаги биринчи Санкт-Петербург давлат тиббиёт университети (Россия Федерацияси)</b>

Диссертация ҳимояси Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100007, Тошкент шаҳри, Мирзо-Улуғбек тумани Паркент кўчаси 51-уй. Тел./Факс: (+99871) 268-17-44); e-mail: [info@tirme.uz](mailto:info@tirme.uz))

Диссертация билан Тошкент врачлар малакасини ошириш институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100007, Тошкент шаҳри, Мирзо-Улуғбек тумани Паркент кўчаси 51-уй. Тел./Факс: (+99871) 268-17-44.

Диссертация автореферати 2020 йил « \_\_\_ » \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2020 йил « \_\_\_ » \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Х.А.Акилов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Н.Н.Убайдуллаева**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Б.Г.Гафуров**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Эпилепсия замонавий тиббиётнинг энг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади ва неврологик касалликлар ичида тарқалиши бўйича инсультдан кейин иккинчи ўринни эгаллайди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумоти бўйича ҳозирги кунда 50 миллион киши эпилепсия билан хасталанган. Даромади юқори даражада бўлган мамлакатларда ҳар йили 100000 аҳолига 49 та янги касаллик ҳолати учраши рўйхатга олинади. Даромади паст ва ўртача даражада бўлган мамлакатларда ушбу кўрсаткич икки марта кўп бўлиши мумкин (ҳар 100000 аҳолига 139 та ҳолат). Тахминларга кўра, бу кўрсаткичлар йилдан-йилга барқарор ўсиб боради<sup>1</sup>. Алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги кунда барча эпилепсия билан оғриган беморлар ичида 25-40% ни репродуктив ёшдаги аёллар ташкил этади; ҳар йили 0,3-0,7% болалар эпилепсия билан хасталанган аёллардан туғилади.

Жаҳонда эпилепсия касаллигини эрта аниқлаш ва дифференциал даволаш тактикаси натижаларида юқори самарадорликка эришиш бўйича янгича ёндашувларни тадбиқ этишга қаратилган бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада репродуктив ёшдаги аёлларда эпилепсия касаллигини эрта аниқлаш сабабларини асослаш, аёлларда эпилепсияни даволашнинг патогенетик механизмларини ишлаб чиқиш, беморлар ва уларнинг қариндошларини ушбу тоифадаги беморларни тўғри юритишга жалб қилиш, эпилепсия ташхисотида цилиар нейротрофик омил (CNTF) ни аниқлаш тактиксини ишлаб чиқиш ҳамда фертил ёшдаги эпилепсия билан оғриган аёлларнинг яшаш сифатини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар алоҳида аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш борасида амалга оширалаётган кенг қамровли чора тадбирлар билан бир қаторда эпилепсиянинг юзага келишига олиб келувчи сабабларни аниқлаш, шунингдек, даволаш ва профилактика самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада «...касалликларни олдини олиш ва ташхис қўйиш, замонавий технологияларни кенг жорий этиш, юқори малакали ва сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш»<sup>2</sup> га қаратилган муҳим вазифалар белгиланган. Репродуктив ёшдаги эпилепсия билан хасталанган аёлларнинг ташхисоти ва дифференциал даволашнинг клиник-патогенетик механизмларини чуқур ўрганиш, яшаш сифатини яхшилаш, ушбу тоифа беморларга замонавий тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатиш даражасини ошириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари,

<sup>1</sup>Epilepsy. Information Bulletin of the World Health Organization, June 2019.

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.

2018 йил 25 январдаги ПҚ-3494-сон «Шошилинч тиббий ёрдам тизимини жадал такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>3</sup>.** Фертил ёшдаги аёлларда эпилепсиянинг клиник-нейрофизиологик ҳамда клиник-патогенетик жиҳатларини ўрганишга бағишланган эпилепсияни ўрганиш муаммосига йўналтирилган илмий-тадқиқотлар дунёнинг етакчи марказлари ва олий таълим муассасаларида олиб борилмоқда, жумладан, International League Against Epilepsy (Швейцария), University of Amsterdam (Амстердам), University of United Kingdom (Англия), Texas A&M University (АҚШ), National Taiwan University (Тайвань), Peking Union Medical College (ХХДР), New York University (АҚШ), Zanjan University of Medical Science (Эрон), University of Modena and Reggio Emilia (Италия), National Institute of Psychiatry «Ramon de la Fuente Muniz» (Мексика).

Эпилепсиянинг клиник-патогенетик тузилишини аниқлаш юқори самарадорлиги бўйича қуйидаги илмий натижалар олинган: эпилепсияни даволаш, прогнозлаш ва фармназоратда молекуляр ва генетик биомаркерлар кўп потенциалли қўлланилишга эга, WONOEP (Workshop on Neurobiology of Epilepsy) тадқиқоти нейронал фаоллик, бош мия яллиғланиши, гематоэнцефалик тўсиқ ўзгариши ва эпилептогенез даврида турли молекуляр ўзгаришлар ёки фармакорективликни ҳамда операциядан кейинги натижаларни прогнозлаш учун маълумот йиғишда кенг доирада имкониятларни таклиф этган (ILAE, Швейцария); визуал биомаркерлар тадқиқ қилинган, ҳамда эпилепсияга турлича нейровизуалогик ёндашувлар биомаркерлари потенциали тўғрисида замонавий билимлар кенгайтирилган (University of Amsterdam, Амстердам); ҳайвонлар моделида тутқаноқ хуружлари чақирилган вақтда нейронларга боғлиқликни мониторинг қилиш учун магнит-резонанс томографиянинг функционал аҳамияти исботланган (University of United Kingdom, Англия); экспериментал эпилептогенез ва рефрактер эпилепсияда нейровизуал биомаркерларнинг шарҳи тақдим этилган (Texas A&M University, АҚШ); эпилептогенезнинг прогностик биомаркерлари сифатида латент даврда кузатиладиган хужайра ва молекуляр аномалиялар тадқиқ қилинган (National Taiwan University, Тайвань); BDNF Val66Met полиморфизми эпилептогенез

---

<sup>3</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: [www.uwa.edu.au](http://www.uwa.edu.au), [www.utoronto.ca](http://www.utoronto.ca), [www.case.edu](http://www.case.edu), [www.en.uni.lu](http://www.en.uni.lu), [www.iso.nbu.edu.cn](http://www.iso.nbu.edu.cn), [www.iums.ac.ir](http://www.iums.ac.ir), [www.asu.edu](http://www.asu.edu) ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

билан корреляцияда бўлиши, Met66 аллел эса чакка бўлак эпилепсияси пайдо бўлишида химоя ролини ўйнаши мумкинлиги исботланган (Peking Union Medical College, ХХДР); посттравматик эпилепсияда мия нейротрофик омилининг ўрни асосланган (New York University, АКШ); эпилептик статус ривожланишида нейротрофик омилларнинг ўрни исботланган (Zanjan University of Medical Science, Эрон); эпилепсияни, айниқса, чакка бўлак эпилепсиясини даволаш учун BDNF-TrkB сигналларнинг ўтишини ингибирлаш ўрни ва NPY тизимнинг кучайиши потенциал даволаш стратегиясини намоён қилиши исботланган (University of Modena and Reggio Emilia, Италия); чакка бўлак эпилепсиясида BDNF ўрни исботланган, шунингдек циклик аденозинмонофосфат элементи (CREB) ва глюкокортикоид рецептор (GR) ни боғлайдиган генлар таҳлил қилинган, BDNF ва эпилепсия билан боғлиқ экспрессиялари ўзгаришлари экспериментал исботланган (National Institute of Psychiatry «Ramon de la Fuente Muniz», Мексика).

Ҳозирги кунда дунёда репродуктив ёшдаги аёлларда эпилепсияда патогенетик механизмларни, эрта ташхисот, даволаш самарадорлигини ошириш, беморларнинг яшаш сифатини яхшилашни ўрганиш бўйича қатор устувор йўналишларда тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, репродуктив ёшдаги аёлларда эпилепсия ривожланишининг биокимёвий, нейроиммунологик ва гормонал хусусиятларини ўрнини асослаш; эпилепсиянинг идиопатик, симптоматик ва криптоген шакллари кечиши клиник-неврологик ва невровизуалогик функцияларини асослаш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Эпилепсия патогенези муаммосида церебрал нейротрофик омил (CNTF), нервнинг ўсиш омили (NGF), нейротрофинлар-3 (NT-3) ва 4/5 (NT-4/5) олимлар эътиборини энг кўп тортмоқда. Аммо, цилиал нейротрофик омил (CNTF) ўрни охиригача ўрганилмаган, уни ўрганишга қизиқиш миянинг сурункали эпилептизацияси шароитида нейронларнинг яшовчанлигига таъсири хусусияти бўлди (Leibinger M. et al., 2013). Эпилепсия патогенезини ўрганишда яна бир муҳим, аммо ҳозиргача мунозарали масала эпилепсия билан хасталанган аёлларнинг эндокрин, нейропсихик ва репродуктив функцияларига таъсир қилувчи жинсий гормонларга бағишланган (Калинин В.В., 2010; Карлов В.А., 2010; Жидкова И.А., 2012). Ҳозирги кунда аёлларда эпилепсиянинг клиник кўриниши етарлича ўрганилган, бироқ патогенез, гендер фарқлар ташхисоти ва даволаш масалалари ханузгача охиригача тўлиқ ёритилмаган (Незнанов Н.Г., Киссин М.Я., 2009; Железнова Е.В., Калинин В.В., 2010; Усюкина М.В., 2010). Ҳозирги вақтда маълумки, эпилепсия патофизиологиясининг асосида бош мия кулранг моддаси нейронларининг эпилептизацияси ва эпилептик ўчоқ шаклланиши (ЭЎ) ётади, у эпилептик нейронларининг маълум миқдорини кўплаб тўпланиши билан намоён бўлади, уларнинг ўзига хос хусусияти мембрана потенциалининг деполяризация сиқлиши ҳисобланади. Айнан шундай эпилептоген нейронлар гиперсинхрон эпилептик разрядлар келтириб чиқаради, уларсиз эпилептик ҳужайра пайдо бўлиши мумкин эмас (Зенков Л.Р., 2007; Блинов Д.В., 2011; Карлов В.А., 2012; Никмат О., Naess К., Engvall М., Klingenberg С., 2018).

Қатор тадқиқотлар шуни кўрсатдики, аёлларда эпилепсия кечишининг ўзига хос хусусияти гипоталамо-гипофизар-тухумдон суткалик ва ойлик цикли билан боғлиқ, улар фақат аёллар организмига хос бўлган лактация, хомиладорлик ва туғруқ каби турли хил ўзгаришлар билан бирга келади. Бу ва бошқа қатор тадқиқотлар аёлларда эпилепсия кечишида ҳайз цикли бузилишлари, тухумдонларнинг поликистоз синдроми ва бепуштлик кўпроқ учраши белгиланганини кўрсатади. Эпилепсия билан оғриган аёлларда сексуал дисфункция учраш сони 14 дан 50% гачани ташкил этади (Дмитренко Д.В., 2014). Эпилептик хуружлар ва эпилепсияга қарши дори воситаларни (ЭҚДВ) узок вақт истеъмол қилиш аёл организмининг эндокрин, гормонал ва жинсий сохаларига таъсир кўрсатиб, аёллар репродуктив функцияларининг бузилишига олиб келиши аниқланган (Власов П.В., 2013, Дмитренко Д.В., 2014). Аммо эпилепсияда аёлнинг репродуктив функциясига таъсир кўрсатишда муҳим сабаб нималиги мунозарали бўлиб қолмоқда, чунки аёл фертиллигига ЭҚДВ нинг ноҳўя таъсири генетик жиҳатдан аниқланган (Camfield P., 2006; Zaccara G., 2007, Дмитренко Д.В., 2014) ёки эпилептик хуружлар аёл репродуктив функциясига таъсир қилади, бу савол очиқлигича қолмоқда (Жидкова И. А., 2012).

Бироқ, ушбу соҳадаги кўплаб изланишларга қарамай, эпилепсия билан хасталанган фертил ёшдаги аёллар даволаш тактикаси, алгоритм ишлаб чиқариш билан юритиш менежмент тадқиқотлари илгари ўтказилмаган. Шунингдек, эпилепсия билан хасталанган бемор аёллар қонида CNTF ни аниқлашнинг роли ва унинг ҳаёт сифат кўрсаткичлари билан боғлиқлиги тўлиқ ўрганилмаган.

Юқорида кўрсатилганларнинг барчаси ушбу тадқиқотнинг ўтказилишига сабаб бўлган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан мослиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг «Асаб тизими нейродегенератив касалликларини чуқур ўрганиш ва уларни эрта аниқлаш масалалари» мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** репродуктив ёшдаги аёлларда эпилепсия кечишида клиник, нейрофизиологик, иммунологик ва гормонал силжишларни ўрганиш, улар асосида эпилепсия билан оғриган аёлларни олиб бориш менежменти ва даволаш тактикаси моделини ишлаб чиқишдан иборатдир.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

фертил ёшдаги эпилепсия билан хасталанган аёлларда эпилепсиянинг идиопатик, симптоматик ва криптоген шакллариининг клиник-лаборатор тавсифини ўрганиш;

эпилепсия билан хасталанган фертил ёшдаги аёлларда замонавий психометрик шкалалар ёрдамида когнитив функцияларни баҳолаш аҳамиятини ўрганиш;



гурухлар бўйича ҳайз циклининг фолликуляр ва лютеин фазаларида гормонларнинг ўртача миқдори билан когнитив функциялар ўртасидаги корреляцион боғлиқликни ўрганиш;

фертил ёшдаги эпилепсия билан хасталанган аёллар қон зардобиди цилиар нейротрофик омил (CNTF) таркиби ўзгаришини ўрганиш;

эпилепсиянинг турли шакллари билан хасталанган аёлларда репродуктив сфера бузилишлари ва жинсий гормонлар миқдорининг ўзгариши ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш;

эпилепсия билан хасталанган фертил ёшдаги аёлларда эпилепсияга қарши даволаш хусусиятларини аниқлаш ва дори воситалардан кейинги мумкин бўлмаган ҳолатлар учраш сонини таҳлил қилиш;

эпилепсия билан хасталанган фертил ёшдаги аёлларга ихтисослаштирилган неврологик ёрдам кўрсатишни ташкил этиш моделини ишлаб чиқиш;

эпилепсия билан хасталанган фертил ёшдаги аёлларни юритиш алгоритминини яратиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 1-сон Республика клиник шифохонасида 2010-2018 йилларда амбулатор ва стационар шароитда даволанган, 288 нафар эпилепсия билан хасталанган 16 дан 44 ёшгача фертил ёшдаги бемор аёл, назорат гуруҳини эпилепсия билан хасталанмаган 30 нафар репродуктив ёшдаги аёллар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида цилиар нейротрофик омил, гормонал таҳлиллар, нейровизуализацион текширувлар маълумотлари ўзгаришларни баҳолаш учун аёлларнинг қон зардоби олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда қўйилган вазифаларни ечиш учун клиник-неврологик, нейровизуализацион, иммунологик, гормонал, текширувлар ҳамда ҳаёт сифати тестлари, MMSE сўровномаси, Гамилтон депрессия шкаласи ёрдамида беморларни баҳолаш ва статистик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

фертил ёшдаги эпилепсия билан оғриган аёлларда комплекс текширув асосида эпилепсиянинг клиник тавсифи асосланган;

репродуктив ёшдаги аёлларда эпилепсиянинг патогенези механизмида цилиар нейротрофик омилнинг ўрни исботланган;

эпилепсиянинг турли шакллари билан хасталанган аёлларда жинсий гормонлар миқдорининг ўзгариши ва репродуктив сферадаги бузилишлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик аниқланган;

эпилепсия билан оғриган фертил ёшдаги аёлларда қутилмаган дори воситаларининг таъсирларини учраш частотаси ва эпилепсияга қарши терапия хусусиятлари асосланган;

эпилепсия билан оғриган репродуктив ёшдаги аёлларга тиббий-ижтимоий ёрдам бериш ва яшаш сифатини яхшилашга қаратилган даволаш-диагностик чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

идиопатик, симптоматик ва криптоген эпилепсия клиник-лаборатор харахтеристикасидан олинган натижалар, гормонал ва иммунологик текширув маълумотлари, эпилепсияга қарши даволаш натижалари ушбу патология билан оғриган беморларда ташхисот ва мақсадга йўналтирилган терапия оптималлаштирилган;

касаллик проградиялигини баҳолаш мақсадида эпилепсия билан оғриган фертил ёшдаги аёллар қон зардобида цилиар нейротрофик омил (CNTF) миқдорининг даражаси аниқланган;

турли профилдаги мутахассислар билан (умумий амалиёт шифокори, неврологлар, гинекологлар, эндокринологлар) эпилепсия билан оғриган аёлларни олиб боришда комплекс ёндашув ишлаб чиқилган;

репродуктив ёшдаги эпилепсия билан оғриган аёлларда хомиладорликка тайёрлаш, хомиладорлик, туғруқ ва туғруқдан кейинги даврни олиб бориш баёноти соғлиқни сақлаш амалиётига тадбиқ этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, клиник-неврологик, клиник анкета, нейропсихологик тестлар, биокимёвий, нейровизуал (МРТ, КТ) ва статистик усулларга асосланганлиги, барча рақамли маълумотлар замонавий компьютер технологиясини қўллаб ишлов берилганлиги, шунингдек, олинган илмий натижаларининг халқаро ва маҳалий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти репродуктив ёшдаги аёлларда эпилепсия кечиши ўзига хос хусусиятларини ўрганиш бўйича назарий билимлар даражасини кенгайтириш имконини бериши билан белгиланади, эпилепсия патогенези ва эпилепсия кечишига таъсир қиладиган аниқланилган иммунологик ва гормонал хавф омиллар тўғрисидаги маълумотларни бойитиш, илмий-тадқиқот марказлари ҳамда неврологик стационар шароитларида дифференциал даволаш тактикасини танлашни оптималлаштириш билан касаллик прогнозини аниқлашдан иборатдир.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти бош мия нейронал структурасини, шунингдек эпилепсия билан оғриган репродуктив ёшдаги аёлларда мия нейронал тузилмалари жароҳатланиш даражаларини аниқлаш учун беморлар қон зардобиде таркибдаги цилиар нейротрофик омил (CNTF) миқдорини ИФА ёрдамида текширишни тадбиқ этишдан иборат. Қон зардобиде таркибда CNTF миқдорини текшириш амалиётда ишловчи неврологлар учун касаллик эрта босқичларида ҳам, касаллик маълум бир даврларида ҳам жуда муҳим ҳисобланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Репродуктив ёшдаги аёлларда эпилепсиянинг кечишида иммунологик ва гормонал силжишларни баҳолаш бўйича олинган натижалар асосида:

фертил ёшдаги аёлларда эпилепсияни диагностикаси ва давоси бўйича «Аёлларда эпилепсия (кечиш хусусиятлари, олиб бориш ва даволаш)» мавзусида услубий тавсиянома ишлаб чиқилган ва Соғлиқни сақлаш амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 28 октябрдаги №8н-д/246-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома эпилепсия билан оғриган аёлларни диагностикаси, дифференциал терапия тактикаси, шунингдек олиб боришни жадалаштиришга имконият яратади;

иммунологик текширув натижалари асосида «Репродуктив ёшдаги аёлларда эпилепсия (нейроиммунологик хусусиятлари)» мавзусида услубий тавсиянома ишлаб чиқилган ва Соғлиқни сақлаш амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 28 октябрдаги №8 н-д/246-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома эпилепсия билан оғриган аёлларнинг қон зардобидида CNTF миқдорини аниқлашнинг аҳамияти тўғрисидаги билимларни бойитади;

эпилепсияни диагностикаси ва даволаш бўйича олинган илмий натижалар Тошкент тиббиёт академияси Асаб касалликлари кафедрасига, Кибрай (Тошкент вилояти) кўп тармоқли поликлиникасига, Бухоро вилоят кўп тармоқли клиникасига, ТТА кўп тармоқли полиникаси амалиётига жорий қилинган. (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 24 апрелдаги №8н-р/89-сон ва 2019 йил 13 июндаги №8н-р/230-сон маълумотномалари). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши репродуктив ёшдаги эпилепсия билан оғриган аёллар соғлигини назорат қилишни яхшилашга имкон туғдиради, касаллик асоратлари ривожланиш хавфини эффектив профилактикасига олиб келади, шунингдек ногиронлик ва ўлим ҳолати хавфини камайтиради.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 12 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 4 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокомадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 18 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган нашрларда 10 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 198 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида бажарилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати, мақсад ва вазифалари асосланган, тадқиқотнинг объекти ва предмети тавсифланиб, унинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устивор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг амалиётда қўлланилиши очиқ берилган, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши тўғрисида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Репродуктив ёшдаги аёлларда эпилепсиянинг кечишида иммун ва гормонал силжишлар, олиб бориш менежменти ва даволаш тактикаси тўғрисида замонавий қарашлар (адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи бобида фертил ёшидаги аёлларда эпилепсиянинг клиникаси, диагностикаси ва даволашнинг замонавий жиҳатлари таҳлил қилиниб, унда ўрганилаётган муаммо бўйича замонавий тадқиқотларнинг натижаларидан фойдаланилган.

Адабиётлар шарҳи репродуктив ёшдаги аёлларда замонавий эпилептология хал қилмаган кўплаб долзарб муаммолар борлигини, бир қатор масалалар бўйича кўп муҳокамалар: касаллик патогенезининг иммунологик жиҳатлари, касалликнинг кечишини олдиндан билиш имкониятлари ва миянинг рекомбинант нейротрофик омиллари ёрдамида замонавий даволашнинг янги прогрессив усуллари мавжудлигини кўрсатди. Охириги 15 йилдаги кўп сонли адабиётлардаги маълумотларга кўра гормонлар даражасидаги дори воситалари ва улардан олдинги метаболикларнинг таъсири ҳақида аниқ сўзлаб бўлмади.

Диссертациянинг «**Тадқиқот материали тавсифи ва қўлланилган тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи бобида клиник материалларнинг тавсифи ва амалий тадқиқот усуллариининг қўлланилиши акс этган.

Тадқиқотнинг клиник материали 1-сон Республика клиник шифохонасига стационар ва амбулатор даволанишга мурожаат қилган 288 нафар фертил ёшидаги эпилепсия билан оғриган беморлар, шунингдек, фертил ёшидаги эпилепсия билан оғримаган 30 нафар соғлом аёллар бўлди. Статистик таҳлил вақтида аёлларнинг ёши 16 дан 44 ёшгача эди. Эпилептик хужуларнинг бошланиш даври 1 ёшдан бошлаб 44 ёшгача ташкил этди. Фертил ёшидаги аёллардаги эпилепсиянинг давомийлиги 1 ёшдан 35 ёшгача бўлди.

Қўйилган мақсад ва вазифаларга мувофиқ ушбу тадқиқотни чуқур ўрганиш мақсадида, биз касалликларни клиник ҳолатлар бўйича (Халқаро эпилепсияга қарши ILAE лигаси эпилепсия таснифига кўра: 2017 йилда кўриб чиқилган ва янгиланган) 3 та асосий гуруҳга бўлдиқ: Эпилепсиянинг идиопатик шакли (ирсий шакл)- 82/288 (28,5±2,5%), симптоматик шакли 135/288 (46,9±2,5%), ва криптоген ёки номаълум этиологияли эпилепсия эса 71/288 (24,5±2,5%) ҳолатлар.

Симптоматик эпилепсияси бор аёллар 3 та кичик гуруҳларга бўлинди: 45 нафар бемор - травмадан кейинги эпилепсия билан, 33 нафар бемор - инфекциядан кейинги эпилепсия билан, 13 нафар бемор - бош миянинг туғма анамолиялари таъсирида, 17 нафар бемор – бош миянинг ҳажмли ҳосилалар (ХХ) остидаги эпилепсия билан, 14 нафар бемор - бош миядаги (операциядан кейинги киста) ўтказилган операциялардан кейинги эпилепсия билан, 13 нафар бемор - болалар бош мия фалажи тиришиш синдроми билан.

1-жадвалда беморларнинг ёши бўйича тақсимланиши берилган.

Текширув усуллариини танлаш миянинг функционал ҳолати ва руҳият бузилишининг мажмуавий тадқиқотларининг истиқболли, шунингдек информациялашган ва замонавий усулларига асосланган эди. Клиник ва

неврологик текширув вақтида барча беморларда шикоятлар ва анамнезларни синчковлик билан йиғиш амалга оширилди. Беморларда умумклиник, биокимёвий (умумий билирубин, умумий оксил, АлТ, АсТ, мочевина, креатинин), гормонал (лютеинловчи гормон (ЛГ), фолликула стимулловчи гормон (ФСГ), эстрадиол, прогестерон, эркин тестостерон ва пролактин циклининг 7, 14 ва 21 кунда), иммунологик (қонда цилиар нейротрофик омил CNTF нинг миқдори) ва тадқиқотнинг инструментал усулларида тажриба олиб борилди.

#### 1-жадвал

#### Бемор аёлларнинг ёш бўйича тақсимланиши (ЖССТ, 2016 й.)

Ёш	1 гуруҳ - Идиопатик эпилепсия n =82	2 гуруҳ - Симптоматик эпилепсия n =135	3 гуруҳ - Криптоген эпилепсия n =71
16 – 29	12 (14,6%)	21 (15,5%)	24 (33,8%)
30-44	70 (85,4%)	114 (84,4%)	47 (66,2%)
Жами: n = 288	82 (28,5%)	135(46,9%)	71 (24,6%)

Кейинги текширувлар эхо-энцефалоскопияни (ЭхоЭс), электроэнцефалографияни (ЭЭГ), айнан мунтазам (10 дақиқада, 30 дақиқада) ЭЭГ ни, ЭЭГ-мониторлаш (кундузги, тунги), бош миянинг МРТ /КТ си, ички аъзолар ультатовуш текшируви (УТТ) ни ўз ичига олди. Бундан ташқари, беморлар когнитив дисфункциянинг мавжудлиги ва ҳаёт сифатини (ҲС) баҳолаш учун Новиков О.М. (2009) бўйича бир қатор психикометрик шкалалар – ижтимоий мослашув ва мослашмаслик тести ёрдамида, (EuroQol-5D) «Европа ҳаёт сифатини баҳолаш бўйича саволнома – 5 та йўналиш», «Life Satisfaction – 11» -ҳаётдан қониқиш сўровномаси (LISAT-11), (MMSE) Mini-mental State Examination ва Гамилтон депрессияси шкаласи орқали текширилди.

Турли антиэпилептик препаратларнинг (АЭП) 6 ой давомидаги кузатишлардаги таъсири самарадорлиги ўрганилди, шу мақсадда уч турдаги АЭП таъсири таҳлил қилинди: валпроат кислота (конвулекс), бензобарбитуратлар (бензонал), карбамазепин ва леветирацетам.

Тадқиқот давомида олинган маълумотларга Microsoft Office Excel-2012 пакетли дастури ёрдамида «Statistica for Windows 7.0» шахсий компьютерда статистик ишлов берилди.

Маълумотларга статистик ишлов беришда ўрганилаётган (M) кўрсаткичининг ўзгарувчан параметрик ва параметрик бўлмаган ўртача арифметик кўрсаткичи, ўртача квадрат оғиши ( $\pm\sigma$ ), ўртача стандарт хато ( $\pm m$ ), нисбий катталиқнинг (даврийлик, %) усулларидан фойдаланилди. Ўртача қийматларни таққослашда олинган маълумотларнинг статистик аҳамиятидаги хато (P) эҳтимолини ҳисоблашда Стьюдент (t) меъзони бўйича аниқланди. Статистик аҳамиятли ўзгаришлар учун  $p < 0,05$  ишончлилик даражаси қабул қилинди.

Диссертациянинг «Фертил ёшдаги аёллардаги идиопатик, симптоматик ва криптоген эпилепсиянинг клиник-биохимик тавсифи» деб номланган учинчи бобида эпилепсияси бор уч гуруҳга бўлинган аёлларнинг умумклиник, клиник-анамнестик, нейрофизиологик ва нейровизуалогик тавсифи берилган.

Эпилепсияси бор беморларда ҳайз кўриш кечишининг шаклланиши таҳлили шуни кўрсатдики, аксарият (199/288; 69%) ҳолатларда биринчи ҳайз  $12,5 \pm 0,3$  ёшни ташкил қилди. Аммо ҳар тўртта беморда эрта қон кетиш ёши кузатилди. Эпилепсияга қарши препаратларни қабул қилган аёлларда ҳайз кўриш даврийлиги 75% ҳолатларда нормопоник бўлди. 25% беморда олигоменоррея кўринишидаги постпоник ҳайз кузатилди, жуда кам (2,3%) ҳолатларда иккиламчи аменоррея (ҳайз кўришнинг йўқлиги) аниқланди.

Маълумотларни қайта ишлаш вақтида 97/288 ( $33,7 \pm 2,5\%$ ) ҳолатларда эпилепсияга қарши препаратлар таъсирида унинг клиник ремиссиясига эришилди; (49/288;  $17,1 \pm 2,1\%$ ) ҳолатларда клиник ЭЭГ ремиссияга эришилди, (12/288;  $4,2 \pm 0,5\%$ ) ҳолатларда уйқусизликда эпилепсия ремиссиясининг бузилиши, (22/288;  $7,6 \pm 0,4\%$ ) ҳолатларда АЭП ни ўз-ўзидан йўқ бўлиши ремиссияси, (4/288;  $1,4 \pm 0,4\%$ ) ҳолатларда АЭПни қабул қилиш тартибининг ўзгариши, ошқозон-ичак яраси таъсирида сурункали инфекциянинг оғирлашиши (7/288;  $2,4 \pm 0,5\%$ ), ва 86/288 ( $29,8 \pm 2,7\%$ ) ҳолатларда клиник ЭЭГ ремиссияси тўлиқ бўлмади ва 11/288 ( $2,8 \pm 1,9\%$ ) ҳолатларда касаллик компенсация қилинмади (эпилепсиянинг резистент шакллари) ( $p < 0,05$ ).

Шуни таъкидлаш керакки, 14,5% аёлларда ҳайз кунлари ва эпилептик хуружлар ўртасидаги алоқа аниқланди. Ҳайз кўриш давомийлиги бузилишини гипоталус-гипофизар тизимнинг юқори кўзгалувчанлигининг асосий касаллиги деб изоҳлаш мумкин ва бу репродуктив тизимнинг иккиламчи бузилишига олиб келди.

Келтирилган шикоятлар орасида энг кўп учраганлари: 80 нафар аёлда (27,7%) ҳайзнинг мунтазам эмаслиги, 46 нафар аёлда (16,2%) дисменоррея. Бундан ташқари 20 нафар аёлда (7,5%) қоринда пастга қараб тортувчи оғрик ва 9 нафар аёлда (3,1 %) ҳайзнинг тўхтовсиз келиши, 4 нафар аёлда (1,6%) диспареуния ва ҳайздан олдин қонли ажралмалар кузатилган.

Шундай қилиб, ўтказилган гинекологик касалликларнинг таҳлили ўзига хос гинекологик патологияни кўрсатмади. Гинекологик кўрик ва объектив текширишларнинг натижалари текширилган гуруҳнинг нормал соматик ва гинекологик хусусиятидан далолат берди.


Беморларнинг клиник-лаборатор кўрсаткичларини ўрганиш полиморфизми объектив ва нейровизуал кўрсаткичлар сифатида аниқлади. Шакллантирилган гуруҳлар касалликнинг кечишини оғирлиги, хуружларнинг хусусияти ва қайталаниши кўрсаткичи, ЭЭГ ва МРТ хусусиятлари бўйича ҳамда руҳий бузилишларнинг устунлиги билан фарқ қилди. Шундай қилиб, идиопатик эпилепсия (ИЭ) бўлган беморлар енгил тушкунлик билан, посттравматик (ПТ), постинфекцион (ПИ), туғма аномалиялар (ТА), ХХ

беморлар – ўткир тушкунлик билан, криптоген эпилепсияли (КЭ) беморлар эса кам даражадаги тушкунлик билан фарқ қилди.


Турли шкалаларда аёллардаги ҳар хил генездаги эпилепсияда руҳий ўзгаришлар хусусиятларини кўриб чиқиб айтиш мумкинки, асосий касаллик бу когнитив бузилишдир.

Шундай қилиб ИЭ, ПИ, ПТ, КЭ билан оғриган аёлларни когнитив шкаласида (MMSE шкаласи) текшириш хулосасига кўра уларда энгил когнитив бузилишлар аниқланди, ТА, ХҲ билан оғриган шахсларда эса энгил когнитив бузилишлар ҳамда тасаввурнинг ўртача деменцияси аниқланди. Бизнинг натижаларимиз эпилепсияси бор беморларда касаллик турининг кечишидан қатъий назар когнитив вазифаларини ўрганган Л.О. Мусинанинг (2012) тадқиқотларига мос келади.

1-расмда беморларнинг эпилептик хуружларнинг тури ва этиологиясидан қатъий назар гуруҳларга бўлиниши келтирилган.



А



Б

1-расм. Кузатувдаги беморларнинг тақсимланиши (N=288): А – эпилепсия этиологиясига қараб; Б – касалликни бошида эпилептик хуружларнинг турига

### қараб ( $p < 0,05$ )

ЭЭГнинг маълумотлари натижалари ўрганиш шуни кўрсатдики, 55/288 (19,1±2,1%) ҳолатларда интериктал (хуруж пайтидаги) даврда эпилептиформ фаоллик йўқ эди. 148/288 (51,4±2,7%) ҳолатларда идиопатик шаклдаги эпилепсияси бор беморларда бирламчи умумий эпилептиформ фаоллик кузатилди. Фокал эпилептиформ фаоллик 102/288 (35,4±2,4%) ҳолатларда кузатилди. 25/288 (8,7±1,7%) беморларда интериктал даврда иккиламчи билатерал (икки томонлама) синхронизация феномени билан эпилептиформ фаоллик қайд қилинди. Иккиламчи умумий эпилептиформ фаоллик 18/288 (6,25±1,4%) аёлларда аниқланди. 4/288 (1,4±1,1%) аёлларда охириги йиллардаги ЭЭГ маълумотлари келтирилмаган.


ЭЭГ маълумотларига кўра ўчоқнинг жойлашишига қараб эпилептиформ фаолликнинг тақсимланиши куйидагича бўлди: бирламчи тарқоқ фаоллик – 148/288 (51,4±2,7%), чакка бўлагиди – 97/288 (33,7±2,6%), пешона бўлагиди – 39/288 (13,5±2,1%), тепа бўлагиди – 12/288 (4,2±0,7%), ярим фокал эпилептиформ фаоллик – 7/288 (2,4±0,9%), диффуз эпилептиформ фаоллик 3/288 (1,0±0,6%). 15/288 (5,2±1,3%) ҳолатларда ЭЭГнинг касалликнинг клиник кўриниши билан мос келмаслиги таъкидланди. Бош миани МРТ текшируви ўтказилган 275 нафар бемордан 103 (37,4%) нафариди қандайдир кўринишдаги ўзгаришлар кузатилмади. МРТдаги энг сезиларли ва турлича бузилишлар симптоматик эпилепсияси бор беморларда кузатилди. МРТ даги барча бузилишлар орасиди: 88 (32,0%) нафар беморда бош мианинг кистоз-атрофик ўзгаришлари, медиал чакка склерози – 30 (10,9%), лейкоареоз ўчоғи – 25 (9,0%), ноокклюзион гидроцефалия – 23 (8,4%), бош мианинг чуқур қисмлари кистаси – 20 (7,2%), бош мия ривожланишининг аномалияси – 18 (6,5%), кам даражадаги субатрофиянинг белгилари – 18 (6,5%), бош мианинг катта ҳосилалари – 17 (5,9%), мия пўстлоғининг атрофияси – 11 (4%), компенсациялашган гидроцефалия – 11 (4%) устунлик қилди.

Диссертациянинг «**Эпилепсия шаклига кўра эпилепсияси бор фертил ёшидаги аёллар қон зардобидидаги цилиар нейротрофик омил даражасини текшириш**» деб номланган тўртинчи бобда биз томонимиздан эпилепсия шаклига кўра cNTF миқдори (2-расм), шунингдек қондаги cNTF миқдори коррелятив боғланишининг ХС ва когнитив вазифанинг баҳоловчи тестлари ўртасидидаги натижалари ўрганилди.

Шундай қилиб, тадқиқот натижалари идиопатик шаклдаги эпилепсияси бор беморларда cNTFнинг қийматлари эпилепсиянинг бошқа шакллариға нисбатан кўпайганлигини кўрсатди. Олинган натижалар эпилепсиянинг идиопатик шакли билан оғриган беморларда нейронал тизимларни шикастланиши анча жиддий жараёнлигини кўрсатди.

Бизнинг тадқиқотимиз маълумотларига кўра, идиопатик эпилепсия билан оғриган беморларда қон зардобидидаги cNTF нинг кўрсаткичлари энг юқори идиопатик эпилепсияда 24,9±3,2 пг/мл ва травмадан кейинги эпилепсияда – 19,4±2,5 пг/мл (cNTFнинг назорат гуруҳидидаги миқдори 6,7±2,5 пг/мл). Бу ушбу касалликлар шакларида нейронал хужайраларнинг зараланганлигидан далолат беради.






**2-расм. Эпилепсия шаклига қараб аёлларда CNTF таркибининг қиёсий тавсифи. А. CNTF нинг мутлоқ қиймати Б. Назорат гуруҳига нисбатан гуруҳларда CNTF таркибининг ўртача қийматлари**

1 - назорат; 2 – травматик шакл; 3 – криптоген; 4 – идиопатик; 5 – нейроинфекцион генезли; 6 – ҳажмли ҳосилалар; 7 – бош миёда ўтказилган операциялардан кейинги эпилепсия (жарроҳликдан кейинги киста); 8 – бош миёнинг туғма аномалиялари таъсиридаги эпилепсия; 9 – болалар бош миё фалажи тутқаноқли синдроми.

Цилиар нейротрофик омил (CNTF) ни ишлаб чиқаришнинг кескин ўсиши миё пўстлоғи ва нейроглияларда дистрофик жараёнларни сақланишига олиб келувчи миёнинг нейропластик инверсиясининг патологиясидан далолат беради.

Хуружларнинг тез-тез такрорланишига кўра идиопатик эпилепсия билан оғриган беморларда CNTF миқдорини текшириш натижалари CNTF нинг миқдори 10,8 дан 35,2 пг/мл гача ўзгарганини кўрсатди. CNTFнинг энг кўп ошиши бир ойда 6 мартадан кўп хуруж бўлувчи беморларда кузатилди (3-расм).



**3-расм. Эпилепсияси бор аёлларда хуружларнинг тез-тез тутишига кўра CNTF нинг қондаги миқдори ( $p < 0,05$ ).**

Биз беморларда когнитив вазифаларнинг бузилишини акс эттирувчи сCNTF ни аёлларнинг ҳаёт сифати кўрсаткичлари билан қиёсий текширувини ўтказдик ва беморларда когнитив функция зарарланишини акс эттирувчи қуйидаги маълумотларни олдик. ИЭ билан оғриган беморларда дезадаптация даражасидан ташқари, сCNTF ва ҳаёт сифатининг бошқа барча кўрсаткичлари орасида коррелятив алоқа мавжуд эди. ПТ билан оғриган беморларда MMSE тести ва Гамилтоннинг депрессия шкаласидан ташқари сCNTF ва ҳаёт сифатининг бошқа барча кўрсаткичлари орасида коррелятив алоқа мавжуд бўлган. ПИ билан оғриган беморларда LISAT-11 саволномасидан, MMSE тести ва Гамилтоннинг депрессия шкаласидан

